



Дўсмамат ҚУЛМАМАТОВ
филология фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

XVI-XVII АСРЛАРДА МОСКВАДА ЭЛЧИЛИК ДЕВОНИ ШАРҚ ТАРЖИМОНЛАРИ ВА ТИЛМОЧЛАРИ МАКТАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Мақолада фактик материаллар асосида XVI–XVII асрларда Москвада Элчилик девони шарқ таржимонлари ва тилмочлари мактабининг шаклланиш тарихи ва уларнинг ушбу вазифага қабул қилиниш шартлари атрафлича тадқиқ этилган.

В статье на основе фактического материала подробно исследованы история формирования школы восточных переводчиков и толмачей Посольского приказа в Москве в XVI–XVII веках и условия приёма их на данную должность.

The article deals with analyzing actual materials of the formation history of the school of translators and interpreters of the diplomatic Chancellery in Moscow in XVI–XVII centuries and the conditions of their appointment to this position.

Калит сўзлар: таржимон, тилмоч, тил, таржима, архив, шарқ тиллари, рус тили, Элчилик девони, Россия подшоҳлари.

Ключевые слова: переводчик, толмач, язык, перевод, архив, восточные языки, русский язык, Посольский приказ, Российские государи.

Key words: translator, interpreter, language, translation, archive, Oriental languages, Russian, the Embassy of the Order, the Russian sovereigns.

XVI асрнинг биринчи ярмидан Россиянинг Европа ва Шарқ, жумладан, Хитой, Эрон, Туркия давлатлари ҳамда Хива ва Бухоро хонликлари билан дипломатик алоқари йўлга қўйилгандан сўнг, махсус Элчилик девони – “Посольский приказ” (чет давлатлар элчихоналари билан алоқа қиладиган идора) ташкил этилиб, шарқ тилларида дипломатик ҳужжатларни тузувчи ва таржима қилувчиларга Россия подшоҳлари томонидан катта эътибор қаратилган. Элчилик девони қошида шарқ таржимонлари ва тилмочлари штатлари ташкил этилган. Ёзма таржима билан шуғулланувчи шахслар

тарижмонлар, оғзаки таржима билан шуғулланувчи эса тилмочлар, деб аталган. Улардан биринчиси юкори мартабага эга бўлган.

Элчилик девони таржимонлари ва тилмочларининг фаолиятини ўрганишга бағишланган санокли ишлар бор холос. Бу ҳақда архившунос олим А.И. Соболевский ўзининг «Переводная литература Московской Руси XV–XVII вв. Библиографический материал» номли асарида шундай фикр юритади: “XVI–XVII Москва таржимонларининг келиб чиқиши, қаерларда чет тиллар билан танишгани ҳақида маълумот йўқ” (4, 42).

Баъзи шарқ таржимонлари ва тилмочларининг иши ҳақида қизиқарли маълумотлар манбашунос олим С.А. Белокуровнинг ишларида келтирилган. Инглиз таржимон кадрлари ва тилмочларини таёрлаш масаласи В.Д. Аракиннинг «Иностранные языки в русском государстве в XVI–XVII вв.» мақоласида ўрганилган(1). Ушбу ишларда асосан бадий адабиёт таржимонлари ҳақида фикр юритилган. Расмий ҳужжатлар таржимонлари ва тилмочлари фаолияти эса ханузгача тадқиқотчилар назаридан четда қолмоқда.

XVII аср Россиянинг Шарқ давлатлари билан бўлган дипломатик алоқаларига оид ҳужжатларни лингвистик манба сифатида ўрганиб бошлаганимда, устозларим профессор И.Г. Добродомов, академик А.Н. Кононов, профессор В.Д. Аракинлар шарқ таржимонлари ва тилмочлари бўйича ҳам маълумотлар йиғиш ҳақида маслаҳат беришганди. Устозларимнинг қимматли ўғитлари билан 30 йилдан ортиқ олиб борилган изланишлар натижасида 1549 йилда Москвада ташкил қилинган Элчилик девони таржимонлари ва тилмочлари ҳақида кўплаб фактик материаллар йиғилди. Биз томонимиздан тадқиқотга жалб этилган манбалар Москвадаги Россия қадимий актлар давлат архивининг (Российский государственный архив древних актов – РГАДА) 138 «Дела о Посольском приказе и служивших в нём» (“Элчилик девони ҳужжатлари ва унда хизмат қилганлар ҳақида”) ва 141 «Приказные дела старых лет» (Эски йилларнинг иш буйруқлари) фондларидан олинган*.

Албатта, ўз-ўзидан савол туғилади: Кимлар таржимон ва тилмоч вазифасига ишга қабул қилинган? Кимлар таржимонлар ва тилмочларни

*Барча манбалар XVI–XVII асрлар рус тезёзувида, яъни “скоропис”ида ёзилган. Рус “скоропис”и ёзуви XIV асрнинг охири XV асрнинг бошида рус “полустав”и ёзуви ўрнига жорий қилиниб, қоғозни тежаш ва ёзувни тезлаштириш мақсадида жорий қилинган, унда жуд кўп сўзларни қисқартириб ёзишга амал қилинган.

таёрлаш билан шуғулланганлар? Бу саволларга жавоб беришга биз томонимиздан таҳлилга жалб этилган манбалар ёрдам беради.

XVI–XVII асрларда Россиянинг Шарқ мамалакатлари билан олиб борилган мунтазам дипломатик ҳамда савдо алоқалари натижасида шарқ ва рус тилларида ёзилган кўплаб иш қоғозларни таржима қилишга эҳтиёж яна кучаяган. Бундай вазият, ўз навбатида, шарқ тилларини мукаммал биладиган кадрларни топишга ундаган. Бу маъсулятли ишга авваламбор Россия давлат идоралари ёки армия хизматидаги кишилар жалб этилган*:

«Во РНЗ м [1649] году по г(о)с(у)д(а)р(у)ву (Алексея Михайловича) указу велено быть в Посол(ь)ском приказе в татарскихъ переводчикахъ щацкого города служилому татарину Едигерю Шемаеву» (РГАДА, фонд 138, опись 1, 1649 год, дело 11, лист 4).

Одатда таржимонлик ишларига Россиянинг Романова, Касимов, Кашина шаҳарларида яшовчи иккитилли – рус ва туркий тиллар билагонлари жалб қилинган:

«Милюта Начаев взят в Посол(ь)ской приказ с Романова и учинено ему г(о)с(у)д(а)р(е)ва жалован(ь)я в Посол(ь)ском приказе Н [50] рублей» (РГАДА, фонд 141, оп. 1, 1631 г., д. 79, л. 7).

Элчилик девонининг таржимонлик ишларига – тилмочликка кўп ҳолларда узоқ вақт Шарқ мамлакатларида асрда бўлган рус миллатига мансуб кишилар ҳам жалб этилган. Масалан, Элчилик девонининг 1622 йилдан олинган кўчирмаларнинг бирида қуйидагича кўрсатма берилган:

«Г(о)сд(а)рю ц(а)рю и великому князю Михаилу Федоровичю всеа Русии турской полоняникъ орлянин с(ы)нъ боярской Петръ Чаплыгин бьет челом был де он в полону в турской земле тринацат лет и языку де турскому и крымскому и итал(ь)янскому знает достаточно и г(о)с(у)д(а)рь ег(о) пожаловал за ево службу за полонское терпен(ь)е велел ему быти у своего г(о)с(у)д(а)р(е)ва дела в толмачехъ» (РГАДА, фонд 138, оп. 1, 1622 г., д. 2, л. 4).

Элчилик девонининг таржимонлари ва тилмочлари таркибига рус ва шарқ тилларини биладиган христиан динини қабул қилган шахслар ҳам киритилган:

*XVII аср русча матнлари ҳозирги замон графиги воситаларида берилмоқда. Сатр усти белгилари акс эттирилмаган. XVII аср рус тезёзувида (“скоропис”ида) ёзилган матнни ўқишни энгиллаштириш мақсадида қисқартма ёзувлар сақланмаган ва у ёки бу қисқартма сўзни очиб ёзиш учун қўлланилган тегишли ҳарфлар кичик қавсларда ёзилган. Ҳарфли сонли белгилар катта ҳарфлар билан берилган ва замонавий йил ҳисобига ўтказилиб, рақам билан такрорланган. Шахсий атоқли отлар ва геогрфик номлар, ҳозирги қоидаларга мувофиқ, бош ҳарфлар билан ёзилган.

«РПЕ м [1677] году по указу великого г(о)с(у)д(а)ря царя и великого кн(я)з(ь)я Федора Алексеевича ... велено быть в Посол(ь)скомъ приказе персидского языка в толмачах новокрещену Петру Хивинцу» (РГАДА, фонд 138, оп. 1, 1677 г., д. 1, л. 5).

Пётр кўп йиллар Хивада яшаган, шу сабли у Хивинец лакабини олган:

«Ц(а)рю г(о)с(у)д(а)рю .. Федору Алексеевичю ... бьет челом холоп твои ... Петрушка Хивинец похотя я ... святую православную хр(и)стианскую веру ... выехал ... из хивинской земли к тебе ... Г(о)с(у)д(а)р разрешил ему быть в толмачахъ с хивинского языка» (РГАДА, фонд 138, оп. 1, 1677 г., д. 1, л. 5).

Баъзи ҳолларда Россия шаҳарларидаги элчихона маҳкамаларида ишлайдиган тажрибали шарқ таржимонлари Москвадаги Элчихона девонига ишга ўтказилган:

«Во РНЗ м [1649] году по г(о)с(у)д(а)рву и великого кн(я)з(ь)я Алексея Михайловича ... взят в Посол(ь)ской приказ из Астарахани фарсовского и арапского языка в переводчики онъ Девлет абыз Маликов» (РГАДА, фонд 138, оп. 1, 1657 г., д. 5, л. 90).

Эътиборли томони шундаки, кўпинча шарқ тилларидан таржима қилишлик наслдан наслга ўтган. Шу сабабали кўп ҳолларда Элчилик девонига таржимонлар ва тилмочларнинг фарзандари ёки қариндошлари таржимонликка ҳамда тилмочликка ишга қабул қилинган. Масалан, Элчилик девонининг таржимони Абул Байциннинг ўғли Резеп Байцин ўзининг Россия подшоҳлари Иоанн Алексеевич ва Пётр Алексеевич Романовлар номига ёзган ариза(челобитная)сида куйидагиларни таъкидлайди: «Великимъ г(о)с(у)д(а)ремъ ц(а)ремъ и великимъ княземъ Иоанну Алексеевичю Петру Алексеевичу всеа Великия и Малыя и Белья Росии самодержцемъ бьет челомъ вашъ в(а)шего г(о)с(у)д(а)рственного Посол(ь)ского приказу переводчикъ Резепко Абдуловъ с(ы)нъ Байцынъ дедъ мой Биляль Безиргеновъ с(ы)нъ Байцынъ и от(е)ць мой Абдуль Биляловъ с(ы)нъ Байцынъ служили и работали деду в(а)шему великих г(о)с(у)д(а)рей бл(а)женные памяти великому г(о)с(у)д(а)рю ц(а)рю и великому кн(я)з(ь)ю Алексею Михайловичю всеа Великия и Малыя и Белья Росии самодержцу и брату в(а)шему великих г(о)с(у)д(а)рей бл(а)женные памяти великому г(о)с(у)д(а)рю ц(а)рю и великому кн(я)зю Федору Алексеевичу всеа Великия и Малыя и Белья Росии самодержцу в в(а)шемъ г(о)с(у)д(а)рственномъ Посол(ь)скомъ приказе в переводчиках турского и татарского языка и многие годы безовсякого порока и были во многихъ в(а)шихъ великих г(о)с(у)д(а)рей службах и посылках с послы и с посланники в Ц(а)реграде и в Персиде и в Крыме и в ыныхъ во многих в розных земляхъ и пожалованы были за те многие службы в(а)шимъ великих г(о)с(у)д(а)рей жалован(ь)емъ поместьями и вотчинами и сверхъ техъ

поместей и вотчинъ пожалованы были в(а)шимъ великих г(о)с(у)д(а)рей жалованьемъ годовымъ денежнымъ окладом и поденымъ кормомъ а в прошломъ г(о)с(у)д(а)ри во РЧЕ м [1687] году по в(а)шему великих г(о)с(у)д(а)рей указу пожалованъ былъ я холопъ в(а)шъ в переводчики ...)» (РГАДА, ф. 138, оп. I, 1697 г., д. 26, л. I).

Элчилик девонида тилмочлар сулоласи ҳам бўлган:

«РQA м [1653] году взят в Посол(ь)ской приказ в толмачи Федо^р Кучюмов»;

«RQS [1658] г августа въ КЗ [27] де г(о)с(у)д(а)рь пожаловал велел ... быт в толмачах на место брата его Федора умершего во RQS [1655] году»;

«Иванъ Кучюмов взятъ в Посол(ь)ской приказ в толмачи во РОВ м [1664] году а братъ ево Василей во РОД м [1666] году а отецъ ихъ Григорей Кучюмов был в Посол(ь)ском приказе того ж татарского языка в толмачах Q [60] летъ» (РГАДА, ф. 138, оп. 1, 1678 г., д. 3, л. 22).

Элчилик девонининг таржимон ва тилмоч вазифаларига ишга қабул қилинадиганлар учун имтиҳон (экзамен) ва суҳбатлар ташкил этилиб, улар синчиклаб текширилган. Бундай синовлар подшоҳларнинг кўрсатмаларига биноан тажрибали таржимонлар томонидан ўтказилган. Таржимонлик соҳасига иштиёқ билдирганларнинг рус тили ва шарқ тилларини билиш даражаси бўйича имтиҳон қабул қилган ва суҳбат ўтказган таржимонлар унинг одилона равишда олиб борилганлиги ҳақида гувоҳлик бериб, ўз хулосаларини мутасадди раҳбарларга тақдим этишган. Фақатгина имтиҳонларни муваффақияли топширганларгина таржимонлик ва тилмочлик вазифасига ишга қабул қилинган.

Дело «по челобитью Посольского приказа переводчика татарского языка Абдула Билялова сына Байцына об определении его в Посольский приказ в переводчики» от 1649 г.

В ы п и с к а

«И г(о)с(у)д(а)рю ц(а)рю и великому княз(ь)ю Алексею Михайловичю всеа Руси Абдул Байцын бьетъ челомъ чтоб г(о)с(у)д(а)рь ево пожаловал велел ему быти у своего г(о)с(у)д(а)р(е)ва дела в Посол(ь)скомъ приказе в татарских переводчикахъ ... и про Абдула Байцына допрашиван Посол(ь)ского приказу переводчикъ Михаило Кашаев что онъ Абдуль татарской и русской грамоте и писать умеет ли и с перевод ево будет ли и Михаило Кашаев сказал что он Абдуль и татарской грамоте и писать умеет и с переводы ево будет».

«К сеи скаске Михаило Кашаев руку приложил» (РГАДА, ф. 138, оп. 1, 1649 г., д. 11, лл. 2-2об).

Выписка

«против челобитной турецкого полоняника новосильца боярского сына Федки Микитина сына Чиркина о принятии его на должность толмача»

«Про того Федора допрашиван турецкого и татарского и татарского языку переводчикъ Михаило Кошаевъ что тот Федор по турски и по татарски говорить умеет ли и с толмачеством ево будет ли и переводчикъ Михаило Кошаевъ сказал что он темъ Федоромъ по турски и по татарски говорил и языка ево слушал по турски де и по татарски он Федор говорит да к той скаске и руку приложилъ» (РГАДА, ф. 138, оп.1, 1657 г., д. 5, лл. 63-65).

Агарда Элчилик девонига таржимонликка иштиёқ билдирганлар ғарб ва шарқ тиллари бўйича ишга кирмоқчи бўлсалар, уларнинг тил билиш даражаси ҳар бир тилдан алоҳида текширувдан ўтказилган. Масалан, Қиримда узок йиллар асрда бўлган Иван Ивановичнинг 1663 йилда рус подшоҳси Алексей Михайлович Романов номига ёзилган аризаси кўриб чиқилиб, Элчилик девонининг баённомаларидан бирида қуйидагилар эътироф этилган:

Выписка

«напротив челобитной крымского пленника Ивана Иванова от 1663 года»

«Про тог(о) полоняника (Ивана Иванова) допрашиванъ Посол(ь)ского приказу турецкого и греческого языку переводчикъ Федор Черкасовъ что он Иван по гречески и по турски говорить умеет ли и переводчикъ Федор Черкасовъ сказал что он с темъ полоняником^М по гречески и по турски говорилъ и тот де полоняникъ Иван Иванов по гречески и по турски говорить умеетъ да к той своей скаске Федор и руку приложил про того ж полоняника допрашиван агличенин Томос Бреин что он Иванъ про аглински говорить умет ли и Томос Бреин сказал что он аглински говорить умет же а по шпански и по италиянски говорили с ним Посол(ь)ского приказу толмачи Офонасеи Букалов да Лука Леденев и они Офонасеи и Лука сказали что он Иван по шпански и по италиянски говорит же» (РГАДА, ф. 138, оп.1, 1663 г., д. 1, л. 79).

Проверка знания толмача уфимца Василия Киржатского о степени владения его русским и восточными языками была произведена переводчиком Михаилом Кашаевым: «Михаил Кашаевъ сказал что он с темъ уфимцом с Васильем Киржатским по турски и по татарски говорил и языка ево слушал и он де Василей татарского языку говорить умеет и с толмачеством ево будет да к той своей скаске и руку приложил а по турецкие де говорить он не умеетъ» (РГАДА, ф. 138, оп.1, 1663 г., д. 1, л. 102).

XVII асрнинг ўрталаридан бошлаб Россия подшоҳлари таржимон кадрларни тайёрлашга катта эътибор беришган. Чунки бу даврга келиб, Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан дипломатик ва савдо алоқалари янада ривожланган. Бундай ҳолат тажрибали таржимонларга бўлган талабни

ошишига олиб келган. Архив мабаларининг маълумотларига кўра, шарқ таржимонларини тайёрлаш Астрахандаги Бухоро карвон саройида олиб борилган. Шу сабали шарқ тилига лаёқати бўлган кишилар подшоҳнинг кўрсатмасига биноан Астраханга юборилган ва уларнинг ўқиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунга Россия подшоҳи Михаил Фёдорович Романовнинг 1642 йилда Астрахань “воевода”(хоким)лари ва “дьяк”(девоҳона ходимларига)ларига ёзган куйидаги расмий “грамотаси” ойдинлик киритади:

Грамота Михаила Фёдоровича Романова астраханским воеводам и дьякам 1642 года об отправлении детей переводчика Посольского приказа Бакисеита в Астрахань в Бухарский двор для изучения арабского, персидского и татарского языков

«От ц(а)ря и великого кнз(ь)я Михаила Федоровича всеа Руси в н(а)шу отчину в Астарахан(ь) стол(ь)нику н(а)ш(е)му и воеводам княз(ь)ю Федору Ондреевичю Телятевскому да Ивану Микифоровичю Траханиотову да д(ь)яком н(а)шим Суриянику Тораханову да Михаилу Патрекееву била намь челом Посол(ь)ского приказу арапского и фарсовского языку переводчикова Бакисеитовская жена Абдулова вдова Асулукъ с детми своими с Кулмаметком да с Алагутком после де мужа ее Бакисеита дают ей с детми её н(а)шего жалован(ь)я поденного корму на Москве по четыре алт(ы)на с ден(ь)гою на ден(ь) а с(ы)нь де ее Кулмаметко при отце своем при Бакеисеите учился грамоте татарской и как де мужа ее Бакисеита не стало и того де с(ы)на ее учит(ь) грамоте некому да у нее ж де с(ы)нь Абдурахманко живет н(ы)не в Астарахани в бухарском корван сарае и учится татарской же грамоте и нам бы ее пожаловат(ь) велет(ь) ее с детми отпустит(ь) в Астарахан(ь) для учен(ь)я с(ы)на своего Кулмаметка учит(ь) арапскому и фарсовскому языку и грамоте а в Астарахани де кизылбашских и бухарских и юргенских людие много которые арапскому и фарсовскому языку и грамоте умеють и н(а)ше б жалован(ь)е поденной кормъ велети ей с детми дават(ь) в Астарахани по тому ж почему ей давано на Москве и мы перевотчикову бакисеитовскую жену Абдулова вдову Аисулука з детми пожаловали в Астарахан(ь) для науки детеи ей Кулмаметка да Садлагутка арапскому и фарсовскому языку и грамоте отпустит(ь) велели а н(а)ш(е)го жалован(ь)я поденного корму ей с детми в Астарахани велели дават(ь) по тому ж почему и на Москве давано по четыре алт(ы)на з денгою на ден(ь) и как к вам ся н(а)ша грамота придет а арапског(о) и фарсовского языку переводчикова бакисеитовская жена Абдулова вдова Аисулук с детми в Астарахан(ь) приедет и вы б ей велели житии в Астарахани где доведетца и н(а)шго жалован(ь)я поденного корму велели давати и с детми»(РГАДА, фонд 138, опись I, 1642 год, дело 4, лист I).

XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шарқ тилини биладиган кишилар учун Элчилик девонининг қошида рус тилини ўрганиш бўйича махсус курслар ташкил этилган. Жумладан, Асан Меситовнинг Россия подшоҳи Алексей Михайлович Романов номига ёзилган ариза-(челобитная)сидаги маълумот бунга яққол мисол бўла олади:

«Ц(а)рю г(о)с(у)д(а)рю и великому кн(я)з(ь)ю Алексею Михайловичю ... бьет челомъ холоп твои Посол(ь)ского приказу переводчикъ Асанко Меситов в прошомъ г(о)с(у)дрь во PQF [1660] году по твоему великого г(о)с(у)д(а)ря указу взят я холоп твои в Посол(ь)ской приказ в Переводчики и в то время я холоп твои по татарску писал и прочиталь а по русскому писат(ь) учился и н(ы)не я холопъ твои по русскому и по татарскому пишу и прочитаю»(РГАДА, ф. 138, оп.1, 1659 г., д. 1, л. 126).

Қайд қилиш лозимки, Элчилик девонига таржимон ва тилмоч лавозимига ишга қабул қилинганларнинг барчаси ўз фаолиятларини бошлашдан олдин қуйидаги тартибда қасамёд қилганлар: «ему всякие государственные дела переводить вправду, и с неприятели их государскими тайно никакими письмами не ссылаться, и мимо себя ни через кого писем не посылать, и в Московском государстве с иноземцами о государственных делах, которые ему даны будут для переводу, ни с кем не разговаривать, и во всем ему, великому государю, и его государским чадам служить и радеть во всем вправду»(3, 4).

Таржимонлар томонидан бундай қасамёднинг қабул қилиниши уларнинг дипломатик ҳужжатларнинг таржимасини сифатли бўлишига бўлган масъулиятни янада оширган. Бунга шарқ тилларидаги дипломатик актларнинг бизгача етиб келган XVI–XVII асрлардаги русча таржималари яққол мисол бўла олади(қаранг: 2).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аракин В.Д. Иностранные языки в русском государстве в XVI–XVII вв. // Учен. зап. Московск. город. пед. ин-та им. В.П.Потемкина. – М., 1958. – Т.80. – Вып. 3. – С. 241–273.
2. Кулмаматов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы XVII в. (Грамоты.Челобитные). – М.: МПГУ, 1994. – 109 с.
3. Очерки истории Министерства иностранных дел. 1802–1902. – СПб., 1902. – С. 1–34.
4. Соболевский А.И. Переводная литература Московской Руси XIV–XVII вв. Библиографический материал. – СПб, 1903. – 460 с.